

## А Ж Р И М

2025 йил ноябрь ойининг 25 кунида жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди, очик суд мажлисида, суд раиси Ғ.Негматовнинг раислигида, П.Рахмоновнинг котиблигида, томонлардан Ургут туман прокурорининг ўринбосари А.Султонов, Ургут туман ИИБ Пробация бўлинмаси катта инспектори Н. Алқаров ва маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлининг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари билан судланган маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмаган қисмидан шартли равишда озод қилиш ҳақидаги Ургут туман ИИБнинг тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И :

**Маҳкум:** **Қосимов Олимжон Низом ўғли**- 1990 йил 28 декабрь куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, Ургут туманидаги “Мамлакат юлдузи тонг боғи” Ф/Хда ишчи бўлиб ишлайди, Ургут тумани “Сариқтепа” маҳалласида яшайди.

Иш хужжатларига кўра, маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлига муқаддам 2024 йил 26 март куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суд ҳукми 17.04.2024 йил куни Ургут туман ИИБ Пробация бўлинмаси томонидан ҳисобга олиниб, ижрога қаратилган.

Судга, Ургут туман ИИБ томонидан тақдимнома тақдим этилиб, унда жазони учдан икки қисмидан кўпроғини ўтаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғли ўз кўргазмасида, муқаддам 2024 йил 26 март куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, жазони ўташ мобайнида жазо турига ўрнатилган тартиб-қоидалар талабини бажарганлиги, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлиги, жазонинг учдан икки қисмидан кўпини ўтаганлигини билдириб, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.



Суд иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, Ургут туман прокурорининг ўринбосари А.Султонов ва Ургут туман ИИБ Пробаця бўлинмаси катта инспектори Н.Алқаровларнинг фикрини тинглаб, маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлининг сўзларини эшитиб, маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғли жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлиги, аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини учдан икки қисмидан кўпини ўтаганлигини, маҳалла томонидан шахси ижобий тавсифланиб, кафилликка олинганлиги инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисмига асосан ўталмай қолган 9 ой 2 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазосидан мудатидан илгари шартли равишда озод қилишликни киритилган тақдимномани қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 541-542 моддаларига қўлланилиб, суд

## **А Ж Р И М Қ И Л Д И**

Ургут туман ИИБнинг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлига нисбатан жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2024 йил 26 март кунги ҳукми бўйича тайинланган аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмай қолган 9 ой 2 кундан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлига жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда - Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларига мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 546<sup>1</sup>-моддаси тартибида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясига кассация тартибида хусусий шикоят ёки прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ғ.Негматов**



## Суд мажлиси баённомаси

2025 йил ноябрь ойининг 25 кунда жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси *Ғ.Негматов*, *П.Рахмоновнинг* котиблигида, томонлардан Ургут туман прокурори ўринбосари *А.Султонов*, Ургут туман ИИБ Пробацяя бўлинмаси катта инспектори *Н. Алқаров* ва маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўгли нинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиши ишлари жазоси билан судланган маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўглига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиши ишлари жазосини ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиши ҳақидаги Ургут туман ИИБнинг тақдимномасини эшитди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган ишни эълон қилди ва суд мажлиси котибига сўз берди.

Судья ўринбосари маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўгли ва тарафларни ҳозирлигини маъруза қилди.

Раислик қилувчи суд таркиби ва тарафларни кимлигини эълон қилди.

Маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўглининг суд таркиби ва тарафларга нисбатан раддияси бўлмади.

Раислик қилувчи маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўгли нинг шахсини аниқлади.

### Маҳкум:

**Қосимов Олимжон Низом ўгли** - 1990 йил 28 декабрь куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, Ургут туманидаги “Мамлакат юлдузи тонг боғи” Ф/Хда ишчи бўлиб ишлайди, Ургут тумани “Сариқтепа” маҳалласида яшайди.

Тарафларда маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўгли ни шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўгли га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 532-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўгли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунарли эканлигини билдирди.

Раислик қилувчи тақдимномани ўқиб эшиттирди ва маҳкум *Қосимов Олимжон Низом* ўглининг кўرғазмасини эшитди.

### Қосимов Олимжон Низом ўглининг кўрғазмаси.

-Менга 2024 йил 26 март куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиши ишлари жазоси тайинланган, жазони ўташ мобайнида жазо турига ўрнатилган тартиб-қоидалар талабини бажардим, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмадим, жазонинг учдан икки қисмидан кўпини ўтадим, ўталмай қолган ахлоқ тузатиши ишлари жазосини муддатидан илгари шартли равишда озод қилишингизни сўрайман.



Раислик қилувчининг саволига:

-Содир қилган қилмишимдан ўзимга тегишли хулоса чиқардим.  
-Жазо турига ўрнатилган тартиб-қоидалар талабига тўлиқ риоя қилдим.  
-Бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмадим, жазомнинг учдан икки қисмидан кўпини ўтадим.

-Ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишингизни сўрайман.

Прокурорнинг саволига:

-Жазони ўташ мобайнида ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик содир қилмадим.

Бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи тақдимнома бўйича Ургут туман прокурори ўринбосари А.Султоновнинг фикрини эшитди.

Ургут туман прокурори ўринбосари А.Султоновнинг фикри:

Ургут туман ИИБ бошлигининг маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлига нисбатан киритган тақдимномасини қаноатлантиришни сўрайман.

Раислик қилувчи тақдимнома бўйича Ургут туман ИИБ Пробация бўлинмаси катта инспектори Н.Алқаровнинг фикрини эшитди.

Ургут туман ИИБ Пробация бўлинмаси катта инспектори Н.Алқаровнинг фикри:

-Маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлига 2024 йил 26 март куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғли жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги, яшаи жойидан ижобий тавсифланганлиги, суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини учдан икки қисмидан кўпини ўтаганлиги, жазони ўташ давомида белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилганлигини, маҳалла томонидан шахси ижобий тавсифланиб, кафиликка олинганлиги ҳамда кафолатнома тақдим этилганлиги инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисмига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишингизни ва тақдимномани қаноатлантиришингизни сўрайман.

Раислик қилувчи алоҳида хонага киришликни эълон қилди.

Раислик қилувчи алоҳида хонадан чиқиб ажримни ўқиб эшиттирди ва ажрим устидан шикоят қилиш тартиби ҳамда муддати, суд мажлиси баённомаси билан танишиш тартиб ва унга эътироз билдиришни, шунингдек маҳкум Қосимов Олимжон Низом ўғлига жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларига мувофиқ жазо тайинланишини тушунтириб, суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ғ.Негматов**

**Суд мажлиси котиби:**

**П.Рахмонов**



Ҳужжат имзоланган: Негматов Гайратжон Фазлиддинович, 25.11.2025

